

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Рўзиев Жаҳонгир Кўзибоевич*  
Самарқанд давлат чет тиллар  
институтини тадқиқотчиси  
(Тел: +99897 288-54-14)

**Аннотация.** Мазкур мақолада таълим жараёнининг жамиятда мақсадли равишда ташкилий таъминланган асослари, ижтимоий ва маърифий вазифалари, таълим тизимини ривожлантиришнинг фалсафий хусусиятлари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** таълим, таълим фалсафаси, ноклассик, постноклассик, креатив тафаккур, фан, методологик онг, объект, ақл, инновация.

Жаҳон таълим амалиёти, айниқса шарқ мамлакатларида туғилган даврдан бошлаб таълим-тарбия бериб шакллантириш, оилада мактаб тарбиясидан ҳам олдин боғчада, мактабгача таълим муассасаси тарбиясига катта аҳамият берилади. Абдулла Авлоний таълим-тарбияни хусусияти ҳақида энди очик маълум бўлдики, тарбияни туғулган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак ахлоқими и гўзалландурмак, зехнимизни равшандандурмак лозим Тарбияни ким килур? Қайда килинур, деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим ва ҳукумат вазифасидур", деб жавоб берсак<sup>1</sup> деб таъкидлаган.

Таълим жараёнлари ўз навбатида жамиятда мақсадли равишда ташкилий таъминланган асосларда ижтимоий ва маърифий вазифани бажариб келмоқда. Н.Сашиннинг таъкидлашича, «Жамият махсус таълим- тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаша стихияли тарзда вужудга келаётган тажрибани назарий жиҳатдан англаб бориш ва умумлаштириш талаблари кучайиб бориши натижасида педагогика фани вужудга келди. Педагогиканинг номи бола деган маънони билдирувчи грекча пайдогос сўзидан келиб чиққан<sup>2</sup>

Келтирилган фикрлар ва таърифлардан ялғаб олиш мумкинки, таълим категорияси асосан педагогика фани билан боғланган ҳолда талқин этилмоқда, таълим инсонга ўргатиш, уни ўқитиш, илм бериш, маълумот

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент. Уонгуани. 1992. –Б.13

<sup>2</sup> Добренко В. Кравченко А. Сошилогия Москва, 2000. Г.3.- Б. 137-178

жумлалари билан боғланиб келмоқда, билим бериш, малака ва куникмалар ҳосил қилиш кишини ҳаёт ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси деб қаралмоқда. Лекин мазкур талқинларда таълимнинг ижтимоий моҳияти унинг инсон ва жамият манфаатлари учун амалга оширадиган амалий вазифалари ҳақида айтилмаган.

Таълим ўзига хос меъёрлар, қоидалар ва хусусиятларни ўзида жамлаган илим ҳисобланади. Мазкур тизим ўзининг мукамаллиги, мақсадга йўналтирилганлиги, натижавийлиги ва самарадорлиги билан жамиятда ўзига хос муҳим қадрият ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, таълим тизми "Ўзига хос меъёрлар ва мақомларни ўз ичига олган тизим; урф- одатлар, анъана ва одоб-ахлоқ қоидалари тўплами; расмий ва норасмий ташкилотлар: ижтимоий муносабатларининг муайян соҳасини тартибга солувчи меъёрлар ва тузилмалар тўплами: алоҳида ижтимоий хатти- ҳаракатлар йиғиндиси".

Миллий энциклопедияда таълимнинг мазмуни, унинг кишилиқ жамияти тараққиётидаги ўрни қуйидагича ифодаланган : "Таълим - билим бериш, малака ва куникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида маълумот олинади ва тарбия амалга оширилади. Таълим тор маънода ўқитиш ту- шунчасини англатади. Лекин у фақат турли типдаги ўқув юртларида ўқитиш жараёнини эмас, оила, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маълумот бериш жараёнини ҳам билдиради. Таълимнинг мазмуни ва моҳияти жамиятнинг моддий ва маданий тараққиёти даражаси билан белгиланади. Ижтимоий му- носабатлар, умумий маълумотга бўлган эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги педагогик ғояларга қараб кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида таълимнинг моҳияти , методи, ташкилий шакллари ўзгариб борган "<sup>3</sup>

Таълим тизимини турлари, соҳалари ва тузилмалари кўпайиб, асосий бажарадиган вазифалари такомиллашиб борган сари унинг маданий борлиқ даги ўрни юксалиб, салоҳияти ошиб боради. Маълум макон ва замонда таълим тизими ўзининг асосий устивор йўналишларини аниқлаштириб, маданий борлиқнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиб боради. Ижтимоий ҳаётда истиқболли йўналишлари аниқлаштириб олинган ижтимоий ҳаёт тажрибасини ўзида мужассамлаштириб, таълим тизими инсон эҳтиёжи ва танлови орқали самарали таккомил даражасига етишиб боради. Фалсафий луғатда қайд этилишича, "Таълим маданият дунёқараш ва ижодий

<sup>3</sup> У Канети миллий энциклопедияси Т ҳар фи [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси. - Б. 178

фаолият ҳолатини келгусида сақланиб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган маърифий жараён бўлиб, бунинг асосида инсоннинг маданий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш фаолияти ётади"<sup>4</sup>

Таълим ғоят серқирра ва кенг тармоқли ижтимоий организмдир. Таълим одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, мафкуравий муносабатларнинг ғоявий жиҳатдан таъминотини, замонавий руҳда талқин этганда уларнинг жамиятда инновацион амалиётини рўёбга чиқариш механизмларини ўзида мужассам этади. Бу эса таълим субъектлари ва маданий борлиқ ўртасидаги умумий алоқадорликка доир қонуниятларга тўла мос келади. С.Лебедевнинг таъкидлашича "Таълимни фалсафий тушуниш инсон борлиғи ва тафаккур тарзини тасаввур этишнинг жамият ўзгариши ва ривожланиши билан боғлиқ умумий қонуниятларига асосланган билимларни йиғиндисидан иборатдир. Фалсафий жиҳатдан бундай умумийлантиришнинг мазмунида моддий ва маънавий дунёни ташкил этувчи ҳар бир нарсани ўз даражаси жиҳатдан таҳлил қилиш педагогик жиҳатдан эса таълим жараёнини лойиҳалаштиришини босқичли ва истиқболли хусусиятларини таҳлил этиш ётади"<sup>5</sup>.

Таълим тизими элементлари, таълим жараёнлари ва ижтимоий ҳаёт ўртасида ўзаро алоқадорликка асосланган қонун ва қонуниятлар доимий мавжуд бўлади, бу жиҳатлар инсон борлигининг мавжудлиги ва ҳар доим тараққиётга мойиллик хусусиятларини белгилаб беради. Мазкур хусусиятларни динамик ва барқарор ривожланишини таъминлаш таълим тизимида олиб борилаётган жараёнларини инновацион асосда ташкил этиш даражаси билан боғлиқдир. Таълим тизимини фалсафий мушоҳада қилиш таълимни инновацион ривожлантириш хусусиятларини ҳам қонуниятларини белгилаб беради. Фалсафа илмида мавжуд бўлган инкорни инкор қонуни таълимни инновацион ривожланишида эскидан мавжуд бўлган жараёнларни никор қилиб, янги қадриятларни яратиш борасидаги мазмун билан мос келади.

Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг яна бир асосий хусусиятларидан бири, унинг инсонни ижтимоий асосда шаклланиши ва инсон тараққиётига мўлжалланганлигидир. Ҳар иккала жиҳат ҳам жамиятнинг умумий тараққиётига хизмат қиладиган жараёндир. Инсон тараққиётининг асосий хусусиятлари унинг онги ва тафаккур мукамаллиги

<sup>4</sup> Гришнов А. Новейший философский словарь. Образование [hiur.philosophy.nis.ru/doc/dictionary/newest-](http://hiur.philosophy.nis.ru/doc/dictionary/newest/)

<sup>5</sup> Лебедев С. Проблемы истины в естествознании и сошли мансарных науках. Философия и гуманитарных наук: Учебное пособие для вўзов. Москва. Академический проект, 2006. –С.31

янгиликлар ва замонавий кадриятларга мойиллиги, жамиятда мавжуд билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжи, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечишга қодирлиги кабилар билан ўлчанади. Шунингдек, "Рим клуби олимлари 1974 йилда "Таълимда чегара йўқ" номли маърузасида таълимни ривожланишини таъминловчи ва қўллаб –қувватловчи асосий манба бу инновациялар эканлигини таъкидлаган”

Таълим тизимида инновацияларнинг яратилиши, унинг самарадорлиги ва амалиётга жорий этилиши кўлами унинг илмий ишланишининг ҳар тамонлама пухталиги ва лойиҳанинг мукаммалиги билан боғлиқ. Таълимда инновация жараёнларининг вужудга келиш ва жорий этиш босқичларини куйидагича:

- ўзгаришлар кўламига қараб эҳтиёжларни аниқлаш;
- мавжуд вазиятни таҳлил этиш ва ахборотлар тўплаш
- яратиладиган янгилик бўйича дастлабки танлов ёки уни мустақил ишлаб чиқиш

- янгиликни амалиётга жорий этиш (ўзлаштириш) бўйича қарор қабул қилиш

- Янгиликларни жорий этиш бўйича эҳтимолий самарали прогноз қилиш ва амалиётга жорий этиш жараёни

- янгиликларни таълим амалиётининг кундалик жараёнлари ва кўшимча таълимда, таълимнинг турли тузилмаларида узоқ вақт фойдаланиш.

Таълимни мавжуд бўлган турларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, инновацион ривожлантиришда улардан бирини муҳим бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш ҳам нотўғридир. Таълимни техник, технологик гуманитар ва ҳуқуқий соҳалари бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Ҳар бир тарихий даврда жамиятнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга мувофиқ равишда таълимни бошқариш усули шаклланади ва амал қилади. Таълим иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар воситасида бошқарилади, давлат сиёсати иқтисодий муносабатларни инновацион асоса токомиллаштиришга ёрдам беради.

Таълим тизимларини фалсафий тушунишда жамиятда мавжуд анъаналар, кадриятлар ва парадигмалар таълим-тарбияга оид онг, тафаккур, дунёқараш, қобилият, салоҳият каби ментал хусусиятлар, ижтимоий ва маданий стереотиплар билан уйғунликдаги ривожланиш жараёнлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзаро таъсирли, динамик характерли турли хил таълимга оид кадриятлар нафақат муқобил (варианти) ривожланиш учун объектив асос яратади, шунингдек, таълим тизимларини инновацион ривожлантириш ва модернизация қилиб боришни тақоза этади. Демак, жамиятда таълимга оид

---

маданий қадриятлар ва ментал хусусиятлар макон ва замон нуқтаи назари ёндошганда ҳар бир даврда инсон маърифатида янгилашиш ва тараққиётга мойиллик тамойилларини вужудга келтиради.